



2020 у. « 05 » Март

№ 75

« ___ » _____ 20__ г.

Ташки реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги “Ташки реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги 104-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 5, 6, 25-моддаларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги “Ташки реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги 104-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Барча турдаги ташки реклама объектлари (конструкциялар) ушбу қарор талабларига мувофиқлиги юзасидан хатловдан ўтказиш мақсадида вилоят ишчи гуруҳ таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Раҳмонқулов, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, вилоят Монополияга қарши курашиш бошқармаси (Маматқулов), вилоят Қурилиш бош бошқармаси (Қўлдошев), Транспорт бошқармаси (Боқиев), Автомобил йўллари ҳудудий бош бошқармаси (Халиков), вилоят Давлат активларини бошқариш бошқармаси (Ўринов), вилоят Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (Холқўзиев), Молия бошқармалари (Ўролов);

ташки реклама объектларини (конструкцияларини) қуриш учун бериладиган ер участкалари, давлат мулки бўлган бино ва иншоотлар рўйхатини шакллантириш ҳамда ташки реклама объектларини қуришда, уларнинг хавфсизлиги ва тўлов микдорини аниқлашда мазкур қарор билан тасдиқланган шартномаларга қатъий риоя қилинсин.

4. Вилоят Монополияга қарши курашиш бошқармаси (Маматқулов) ўн кун муддатда:

шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар бир туман (шаҳар)лар бўйича махсус ишчи гуруҳлар тузган ҳолда, барча турдаги ташки реклама объектларини (конструкцияларини) ушбу қарор талабларига мувофиқлиги юзасидан хатлов ўтказиш;

бир ой муддатда ишчи гуруҳлар томонидан амалга оширилган ишлар ва маъмурий ҳудудда ташки рекламани жойлаштирилишини тартибга солиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижалари бўйича вилоят ҳокимлигига ахборот киритсин;

манфаатдор бошқарма ва ташкилотлар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

5. Вилоят Молия бошқармаси (Ўролов) ташқи реклама объектларига (конструкцияларига) ташқи рекламани жойлаштириш учун йиғимларнинг тўлиқлигини, ўз вақтида ва тўғриси ҳисоблаб чиқилишини, тўловларнинг тўланишини назоратга олсин.

6. Вилоят Телерадиокомпанияси (Шермонов) ушбу қарорнинг мазмун ва моҳиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Раджапов, вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Раҳмонкуловлар зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Э.Салиев